

“ТАСДИКЛАЙМАН”

Бухоро вилоят ҳокими ўринбосари:

 Н.Н.Хамдамов

« \_\_\_\_\_ » 2022 йил.



“КЕЛИШИЛДИ”	“КЕЛИШИЛДИ”
<p>Бухоро вилояти қурилиш бош бошқармаси бошлиғи:</p> <p> Ш.Маннонов</p> <p>« _____ » 2022 йил.</p>	<p>Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги ягона буюртмачи хизмати-инжиниринг компанияси директори:</p> <p> Ф. Жаллиев</p> <p>« _____ » 2022 йил.</p>
	<p>“КЕЛИШИЛДИ”</p> <p>Қоровулбозор туман ҳокимининг қурилиш ишлар бўйича ўринбосари:</p> <p></p> <p>« _____ » 2022 йил.</p>



Бухоро вилояти Қоровулбозор туман Мустақиллик кўчаси, Тараққиёт кўчаси, Сардоба кўчаси ҳамда Меҳнатобод кўчаси автомобил йўлини қайта қуриш йўли билан “Саломатлик йўлаги” ва Навоий кўчаси, Бегзод номли кўчасини, Бобур номли кўчасини, Ўзбекистон кўчаларни ободонлаштириш (йўлларини таъмирлаш пиёдалар ва велосипед йўлакчаларини қуриш ва худудни ободонлаштириш) бўйича ишчи лойихани ишлаб чиқишга

**Т О П Ш И Р И Қ**

(2-нусхада таёрланди)

1	Буюртмачи	Бухоро вилояти хокимлиги ҳузуридаги ягона буюртмачи хизмати-инжиниринг компанияси
2	Лойиҳалаштириш учун асос	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги ПФ-6099-сон <u>Фармони</u> ва ПҚ-98/22.01.2022 йилдаги қарори.
3	Қурилиш тури	Ободонлаштириш , Марказий кўчаларни мукамал таъмирлаш
4	Молиялаштириш манбаи	Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан
5	Бош лойиҳалаш ташкилоти	Танлов савдолари асосан
6	Бош пудратчи	Тендер савдолари асосида аниқланади
7	Объектнинг лойиҳавий қуввати	Мухандислик қидирувлари асосида қабул қилинади
8	Лойиҳани ишлаб чиқиш муддати	Шартномада аниқланади
9	Объектларнинг жойлашган ҳудуди	Бухоро вилояти Қоровулбозор тумани ҳудудида
10	Қурилиш ишларининг бошланиши ва тугатилиши	Шартномавий шартлардан келиб чиқиб.
11	Лойиҳалаш босқичлари	Ишчи лойиҳа бир босқичда ишлаб чиқилади.
12	Объектни ресурслар билан таъминлаш	Маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланишга устуворлик берилиши ишчи лойиҳада инобатга олинсин.
13	Жойнинг таснифи	Текислик
14	Смета ҳужжатларини ишлаб чиқишга талаблар	Қурилишда ишлатиладиган машина-механизм ва материалларнинг нархлари 2021 йил 4-чорақдаги католог нархлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 июндаги 261- сонли қарорига мувофиқ жорий нархларда буюртмачи билан келишилган ҳолда қабул қилинсин.
15	Асосий кўрсаткичлар ва техник талаблар	<p>Аҳоли пунктларидан ўтган йўллари ШНК 2.07.01-03* талабларига мувофиқ лойиҳалансин.</p> <p>Марказий кўчанинг йўл режаси, йўл пойи ва йўл тўшамаси андозавий кўндаланг кесими ва пиёдалар, велосипед йўлакчаси параметрлари, конструктив тузилмаси, Бухоро вилоят архитектура қурилиш бошқармаси ва буюртмачи билан келишилган ҳолда қабул қилинсин. Қатнов қисми, мустаҳкамланган йўл хошияси, йўл чети ва йўл пойининг кенглиги ШНК 2.07.01-03 талабларига мос равишда бажарилсин. Мавжуд қоплама қисмида бир қатламли майда донали иссиқ зич асфальтобетон тип Б марка-1 Н-5 см. Текисловчи қатлам иссиқ йирик заррали ғовак асфальтобетон ҳисоб бўйича марка-1</p> <p>Алоҳида талаб қилинган жойларда қисқа муддатли автотураргоҳлар қуриш кўзда тутилсин. (Эни 5.5-6 м)</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Ободонлаштириш минтақаси чегараларида манзарали кўчатлар экиш кўзда тутилсин. Лойиҳавий пиёдалар ва велосипед йўлакчаси қисми (Ўртача ҳаракат қисми кенглиги 1.5-2.25 м)</li> <li>- Асос қатлами ШҚА Н-12 см</li> <li>- Изоляция қатлами ППА</li> <li>- В 25 (М-300) маркали монолит оғир бетондан Н-10 см қалинликда қоплама қисмини қуриш</li> <li>- Қоплама қисми ва йўлакча чегаралари темир-бетон хошиялар билан ажратиш кўзда тутилсин</li> <li>- Йўл минтақаси чегаралари электр тежовчи ёритиш устунлари ва лампалари билан жиҳозлаш кўзда тутилсин</li> <li>- Йўлакча минтақаси чегарасида ҳар 300-400 м оралиғида қисқа муддатли дам олиш жойи (2.0x7.0 м) дам олиш жойларини жиҳозлаш (урна, ўриндик, гулдон, велосипед</li> </ul>



		<p>кўйиш жойи) лойихада кўзда тутилсин.</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Велосипед , пиёдалар йўлакчаси ўзаро ётиқ чизиқлар (термопластик) ,хошиялар (манзарали брусчаткалар) билан ажратилсин.</li> <li>- Велосипед йўлакчалари юза қисми махсус рангли бўёқлар билан ажратилсин.</li> <li>- Пиёдалар ва велосипед йўлакчаси минтақаси алоҳида йўл белгиси билан ажратилсин.</li> <li>- Лойихавий пиёдалар, велосипед йўлакчалари қурилишига бошқа иншоотлар таъсир қилган ҳолда минимал ўлчамлар билан қисқартирилган ҳолда алоҳида йўл белгилари билан ажратилган ҳолда қурилиши кўзда тутилади.</li> </ul> <p>Қурилиш минтақасига тушган бино ва иншоотлар ва дарахтларни кўчириш ишлари мавжуд муҳандислик тармоқларини кўчириш ва қайта ўрнатиш маҳаллий ҳокимият томонидан амалга оширилади (харажатлар сметасида кўзда тутилмайди), муҳандислик ишлари асосан электр узатиш тармоғи техник шартлар асосида мақбул лойихавий ечимлар асосида қабул қилинсин.</p>
16	Сунъий иншоотлар	Мавжуд сунъий иншоотларни таъмирлаш ишлари ШНК 2.05.03-12 “Кўприклар ва қувурлар” талабларига мос равишда бажарилсин.
17	Ногиронларга шарт-шароитлар яратишга талаблар	ШНК 2.07.02-07 талабларига мос равишда
18	Топшириш ва қабул қилиш тартиби	Ишчи лойиха ушбу топшириқ талабларига биноан қабул қилинади. Ишчи лойиха 3 нусхада, электрон вариантда ва амалдаги стандартлар бўйича расмийлаштирилган бўлиши керак.

**Буюртмачи:**

Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги  
ягона буюртмачи хизмати-инжиниринг  
компанияси вакили:



Б.Ҳайитов